

### III. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 30775 тани ташкил қилиб, шундан 26919 таси ёки 87,5% фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7181 та (23,3%), саноат 5848 (19,0%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2418 та (7,9%) ва қурилиш 2049 та (6,7%) соҳаларига тўғри келади.


**2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича**

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>30775</b>	<b>100,0</b>	<b>26919</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3330	10,8	2958	11,0
саноат	5848	19,0	5135	19,1
қурилиш	2049	6,7	1704	6,3
савдо	7181	23,3	6069	22,6
ташиш ва сақлаш	1054	3,4	924	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2418	7,9	2031	7,5
ахборот ва алоқа	484	1,5	377	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	513	1,7	485	1,8
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	7898	25,7	7236	26,9

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 89,2% нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 24,7% хусусий корхоналар, 2,4% чет эл сармоёси иштирокидаги корхоналар, 0,2% акциядорлик жамиятлари ва 72,7% бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

### Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари

(1 январь ҳолатига, умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)




2017 йил январь-декабрда жами 6603 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 3894 та). Уларнинг асосий қисми Зангиота (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 12,0%), Қибрай (9,9%), Янгийўл (8,1%), Ўртачирчик (6,3%), Юқоричирчик (6,1%), Паркент (5,5%), Бўстонлик (4,8%) ва Бўка (3,2%) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 11,6% савдо, 16,0% саноат ва 4,9% қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 2468 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 411 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 16,7%) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2018 йил 1 январь ҳолатига 25,4 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан масъулияти чекланган жамиятлар – 16,4 мингта, хусусий корхона – 6,7 мингта, оилавий корхона – 1,4 мингта, бошқа тижорат корхоналари – 0,9 мингтани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг  
ташкилий ҳуқуқий шакллари**  
(1 январь ҳолатига)



2017 йилнинг январь–декабрда жами 4,2 мингта янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 3,9 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Зангиота тумани (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 11,7%), Қибрай (9,5%), Янгийўл (8,0%) ва Ўртачирчиқ (6,4%) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 18,2% савдо, 25,2% саноат ва 20,0% қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 2,5 мингта корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 0,4 мингтаси (жами фаолияти тугатилганлардан 16,7%) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар** 2018 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 583 тани ташкил этди.

2017 йил январь–декабрь ойларида хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 88 тани ташкил этди. Бунда, асосан Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 27 та, Туркия Республикаси – 8 та, Россия Федерацияси – 4 та, Қозоғистон Республикаси – 9 та, Корея Республикаси – 3 та, АҚШ – 1 та янги корхоналарга тўғри келади.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши  
(2018 йил 1 январь ҳолатига)**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
<b>Жами</b>	<b>583</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	53	9,1
Саноат	374	64,1
Қурилиш	12	2,1
Савдо	68	11,6
Ташиш ва сақлаш	12	2,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	12	2,1
Ахборот ва алоқа	1	0,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	4	0,7
Бошқа фаолият турлари	47	8,0

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 583 та корхонанинг 374 таси (64,1%) – саноат, 68та (11,6%) – савдо, 53 таси (9,1%) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 12 (2,1%) – ташиш ва сақлаш, 12 (2,1%) – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 12 (2,1%) – қурилиш соҳасига тўғри келади.

**2017 йил январь-декабрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот  
ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат  
секторларининг нисбати**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

